

Мирхасан Садоий (18-а. 2-ярми — Фаргона — 1820) — шоир. Хаёти ва ижодига оид айрим маълумотлар Дилшод Отиннинг «Тарихи мухожирон» асарида учрайди. Хувайдонинг шогирди, кўпчилик шеърлари унинг газалларига хамоханг. Хофиз, Навоий, Машраб адабий анъаналарини давом эттирган, газалларига назиралар битган. Шеърларида дунёвий севги, дўстлик, ахлокий фазилатлар, илм-маърифат куйланган, ижтимоий нохакликлардан шикоят килган. Лирикаси ҳам ижтимоий мавзуда («Салом», «Бўлмади» ва б.). Бизгача 168 газал, 1 мухаммас, 1 мусаддас, 1 мувашшах, 2 чистон — 1800 мисрадан иборат девони (Тошкент, 1916) етиб келган, кўлёзмаси топилмаган.

## ГАЗАЛЛАР

\* \* \*

Латофат бўстонида санидек ёр келгайму?  
Жахон гамхонаси ичра манидек зор келгайму?

Юзингни ишкида ман бенаводек, эй шахи хубон,  
Аламдин сийнаси мажрух, юрак афгор келгайму?

Куруб мажлис тутуб согар тамом элини куйдургон,  
Ичиб майдин бўлуб маст, кўзи хуммор келгайму?

Тамоми аввалу охир сани хозик табиб дерлар,  
Юруб дармон тополмай, ман каби бемор келгайму?

Жамолинг кўрмайин, жоно, колиб хасрат била гамда  
Азиз жондин жахонда ман каби безор келгайму?

Санингдек нозанин шояд мани хажримда ўлган деб,  
Баланд бўлган мозорим килгали хамвор келгайму?

Мунодийлар килиб доим жахонни изласам тинмай,  
Садоийдек гарибу хаста бегамхор келгайму?

\* \* \*

Бўлуб масти жунун ошик агар майхонага кирса,  
Бўлур албатта ул обод агар вайронага кирса.

Ки ошик ишкидин килса агар хар кайсига ношир,  
Ўзин тутмай урар ўтга агар парвонага кирса.

Кадамни кўйса ошиклар агар бутхона сорига,

Хама бутлар килур сажда агар гирёнага кирса.

Жунун ахлини айб этманг, ки бу девоналиг бирла,  
Чикиб Эрону Тўрондин агар Фаргонага кирса.

Хама ушшок эли бирдан такаллум айласа ногох,  
Колур зоҳид эли хайрон агар афсонага кирса.

Садойи бу жунун бирла бўлуб гирёну хам нолон,  
Чикорур ўтларин хар масжиду майхонага кирса.

\* \* \*

Ёрни кўрдум ажаб гуллар очилмиш бошида,  
Бу сабабдин булбули шўрида бўлдим қошида.

Ё муаззин хар замонким айласа бонги намоз,  
Саждагоҳим накши меҳробимни кўрдум қошида.

Дог этиб бир кун мани кадримни харгиз билмади,  
Ошно бўлдум на учун дилбаримни қошида.

Мунча кўп айлаб ракиблар бирла доим маслаҳат,  
Ўлтурур охир мани ул бўлмади кенгошида.

Бир умед айлаб эдим бориб кўрай деб ёрни,  
Бокмайин кетти, караб колдим уйини тошида.

Манга мундог насиба кунда минг оби азоб,  
Гарк бўлмас на сабабдин бу кўзумни ёшида.

Дам уролмас бу Садойи ёрдин айлаб ибо,  
Шарх этолмас хасби холин хар кишини қошида.

\* \* \*

Барк уруб ул дилрабо бошида колфок ўзгача,  
Белида заррин камар, эгнида мурсок ўзгача.

Гох кийиб кимхобу атлас, гох кийиб гулгун кабо,  
Ушбу холат бирла бўлди манга ўрток ўзгача.

Неча кунлар бўлди харгиз билмадим жононани,  
Бир манингдек бўлмагай оламда мушток ўзгача.

Сўрмагондин бул мани ул меҳрибон ёр кайдадур,

Бул азиз жисмим куюб бўлдики носок ўзгача.

Билмадим харгиз ани ман дўст ё душманлигин,  
Айлади бир сўз бирла бизга шилток ўзгача.

Бир сабаблар бирла келгон олдига меҳмон эдим,  
Ман кетарман, ул бўлур бул ерда колмок ўзгача.

Жон фидо айлар агарчи хар ким ул жононага,  
Бу Садоийи кунда минг бўлдики мушток ўзгача.

\* \* \*

Ногахон кўрдум ажаб бир ёри хубон ўзгача,  
Бог ичида бир гули сарви хиромон ўзгача.

Дам-бадам васфин ўкуб ул дилбари жононани,  
Ман бўлурман булбули мурги хуш илхон ўзгача.

Бир нигохи бирла оламини барин катл айламиш,  
Хохласа бергай мани бечорага жон ўзгача,

Кулбаи байтул хазан ичра дили вайронаман,  
Кошки бир йўл келиб ул бўлса меҳмон ўзгача.

Манки бир Яъкуб йигларман чу абри навбахор,  
Кўзларимни ёшидур мисли кизил кон ўзгача.

То бу гам зиндонида бўлдум гирифтори бало,  
Ким килур андин бўлак мушкулни осон ўзгача.

Хаддин ошти ёрни жаври, хеч вафосин кўрмадим\*  
Ман килурман гамларин багримда пинхон ўзгача.

Бир савол этсанг берур албатта ул юз минг жавоб,  
Бир анингдек кўрмадим оламда пурдон ўзгача.

Бу Садоийига махол эмди каноат килмоги,  
Касд этар жонимга ул хар кун хиромон ўзгача.

\* \* \*

Неча кундур интизор бўлдум санам дидорига,  
Сабр килсам токатим йўқдур ани хумморига.

То киёматгача эмди ман қачон бўлгум халос,

Банда бўлгон хаста кўнглум зулфини хар торига.

Ул йирокдин бу халокатлар била килмоглигим,  
Жон берай дерман хавас бирла кўруб дийдорига.

Ўлтуруб килса такаллум лаъли дурарборидин,  
Бир даме сомеъ бўлай дерман ани гуфторига.

Кушлари келса хаволаб бул мани жоним учун,  
Кўкрогимни ман очарман захрлик минкорига.

Ёр айтур бўлсалар, килсам тавофи Каъбани,  
Бир назар солсун Садоийдек дили афгорига.

\* \* \*

Сани деб нозанин хар кун бу жоним минг фидо бўлди,  
Тажалли кўрсатур деб кўзларим кўрмай адо бўлди.

Билурман халки олам — барчаси айшу тараб бирла,  
Манингдек ким бу оламда гирифтори бало бўлди?

Оёгим борича юрдум пару болим била учтум,  
Етолмай окибат санга, алсаб, бахти каро бўлдум.

Хамиша куйдуруб, жоно, иложим килмадинг харгиз,  
Садоийи хастадил бечора бу гам бирла адо бўлди.

\* \* \*

Неча ишдин аклу хушинг кам бўлур,  
Окибат афтодалиқдин хам бўлур.

Тутма улфат бу авом ахлига кўп,  
Кам бўлур аклинг сани хар канча кўп

Улфати хотуну гўдак бирладур,  
Акли зоил хам дили гам бирладур.

Кўп сухан килса киши, эй акли дур,  
Гарчи хак сўздур, бўлур акли кусур...

Иштиходин кўп емак, бевакт хоб,  
Акл уйин килгай бу ишлар кўп хароб.

Орзуйи хом учун ким еса гам,

Сабрсиз бўлса агар етса алам,

Ул кўнгулда ақл турмас, эй фалон,  
Ақлсиз элга гизо зардобу кон.

\* \* \*

Сани ёдингда ман йиглаб, аё эй дилбари жоним,  
Агар айтсам адо бўлмас, ки бу дарди фаровоним.

Жудоликда бўлиб Яъкуб, бу меҳнат бобида Айюб,,  
Давосини тиларман, айлагил дардимга дармоним.

Топилмас хоки пойинг кўзларимга тўтиё килсам,  
Эрам богида битган бул ажаб сарви хиромоним.

Якин бўлдум куюб ўлмокга, жоно, билмадинг харгиэ,  
Нечук шарх айламай етсун санга бу рози пинхоним.

Эшикингга бўлуб соил санга кўп илтижо айлаб,  
Улуг дарё бўлуб окгон мани бу чашми гирёним.

Ризодурман каригонда шахид этсанг Садоийни,  
Ярашур ок соколимдан агар окса кизил коним..

\* \* \*

Фигону оху вовайло, ман ул ёримдин айрилдим,  
Хавас бирла хумориман, кўзи хуммордин айрилдим.

Хаётим борича йиглай бўлуб монанди ул Яхъё,  
Тараххум килгучи холима ул гамхоримдин айрилдим.

Насими субхидин килгон муаттар бу димогимни,  
Хўтан сахросида бир мушки тоторимдин айрилдим.

Бўлуб хамчун фирокида таним туфрокга ўргулди,  
Анингдек меҳрибон ул яхши гуфторимдин айрилдим.

Хамиша яхшилик айлаб тамоми элдин ўксурман,  
Кўнгулни хушлиги ул кулли гамхоримдин айрилдим,

Ажаб шабнам тушуб доим очилгон бир кизил гулдек,  
Бўлубман булбули шўрида гулзоримдин айрилдим.

Етиб бу илтифоти гохлар хобу хаёлимда,

Димогимни муаттар килган ул атторимдин айрилдим.

Садойи жон бериб, жон элур вактига етгонда,  
Талаб бозорида шундог харидоримдин айрилдим.

\* \* \*

Сени деб ман адо бўлдим, аё эй ёри жононим,  
На юрмакка мажолим бор, на ўлтурмакка дармоним.

Бу кўнглумни хуши эрдинг, кўзимни равшани эрдинг,  
Эгилди коматим ёдек, аё сар т хиромоним.

Ажаб хикмат эрур эмди чаманни гуллари хандон,  
Очилмас биргина сандин мани табъи паришоним.

Такаллум айласанг дурлар сочиб лаъли лисонингдин,  
Ки Азроил эмас хожат, чикар албатта бу жоним.

Санингдек нозанин шояд бу жон чикмасдин илгори,  
На хуб бўлгай эди килсанг келиб дардимга дармоним.

Садойи кичкириб айтур унини борича доим,  
На деб етмаз санга харгиз мани бу оху афгоним?!

\* \* \*

Йирок туштум жамолингдин сани, эй ёр, согиндим,  
Йўлингга термулуб, эй нозанин, бисёр согиндим.

На деб азми сафар килдим, бу ишлардин пушаймонман  
Паришон хотирим доим, юрак афгор согиндим.

Мани сандин йирок этган фалакни гардиши эрди,  
Надур чора бу гамлардин ётиб бемор, согиндим.

Эрурман кеча-кундуз тўтийи бехонумон янглиг,  
Бўлубман булбули шўрида, эй гулзор, согиндим.

Висолингдин жудо бўлдум, таним туфрокка ўгрулди,  
Лаби майгун, кади ар-ар, кўзи хуммор, согиндим.

Гарибликда мани холимни ҳеч кимса билмайдур,  
Кўзимни равшани, кўнглум хуши дилдор, согиндим.

Кўрай деб орзу айлаб жамолинг, эй пари чехра,

Келиб холимни сўргил, эй пари рухсор, согиндим.

Садойи, сан каби йўқдур гирифтори бало бўлгон,  
Сани излаб юруб хар кўчау бозор, согиндим.

\* \* \*

Сани хажрингда, эй жонон, адо бўлгон Садойиман,  
Куюб кулдек бу оламдин фано бўлгон, Садойиман.

Юруб олам аро тинмай, бориб бир жойида кўнмай,  
Кийиб жанда, олиб асо, гадо бўлгон Садойиман.

Гараххум килгудек холимга сандин ўзга ҳеч ким йўқ,  
Юруб йиглаб сахарларда наво бўлгон, Садойиман.

Санингдек ёру жонимни кўрай деб орзу айлаб,  
Пу гам бирла гирифтори бало бўлгон, Садойиман.

Хамиша жустужў айлаб, ки тарки хонумон айлаб,  
Бу олам меҳридин кам-кам сиво бўлгон, Садойиман.

Пари сан, ё малак, ё хурсан, зотинг эмас маълум,  
Бериб динимни билмай мубтало бўлгои, Садойиман.

Ўқуб байту газалларни хамиша зору хун йиглаб,  
Тамоми халк ичида беҳаё бўлгон, Садойиман.,

Сани бирла мани касдимда душманлар фаровондур,  
Борурда даргахингда бохабар бўлгон, Садойиман.

\* \* \*

Аё, эй дилбари жоним, жамолингни кўрай дерман,  
Сифотинг килгучи хар ерда маддохинг бўлай дерман.

Коронгу кечаларда жамолинг шамдек ёнса,  
Килиб жоним фидо парвона янглиг, ўргулай дерман.

Аё, эй дилбари жоним, сани ман жустужў айлаб,  
Кириб майхона, масжидга сўрогингни килай дерман.

Ажойиб бандаи бечораман, аклим эрур косир,  
Макому манзилингни, эй пари, кайдин билай дерман.

Жамолингни кўруб жон бергали орзу айлаб,

Киёмат бўлгунча бул ахдни бузмай тураи дерман.

Ўтуб умри Садоийни куриб бўлди, караб бўлмас,  
Агар кўрсатмасанг хуснунг, ўзумни ман урай дерман.

\* \* \*

Жустужў айлаб париваш махвашим кўрдум букун,  
Дам-бадам жон куйдурурга оташим кўрдум, букун.

Бир анингдек нозанинни орзу айлаб мудом,  
Айлаб ул юз минг таманно келмишин кўрдум, букун.

Булбули гўё эди ё тўтийи шаккар лисон,  
Бир келиб гул остида ўлтурмишин кўрдум, букун.

Ман хаёл эттим, тирикдурман анга хизмат килай,  
Бир даме турмай кошимдин кетмишин кўрдум, букун.

Касд этар доим ракиблар килгали ёрдин жудо,  
Бу фалак юзи карони гардишин кўрдум, букун...

Кўзлари жаллод доим расмидур жавру жафо,  
Неча мандек ошикин ўлдурмишин кўрдум, букун

Сан кулок сол, эй нигоро, хар куни овозига,  
Айтадур доим Садоийи, нолишин кўрдум, букун.

\* \* \*

Хаёли хом этиб ул ёрни мехмон килай дерман,  
Бу жисми нотавоним дардига дармон килай дсрман.

Бориб ёримни ман айлай дилу жоним била таклиф,  
Агар ул бўлмаса бул манзилим вайрон килай дерман.

Анинг хоки кудуми кулбаи вайронама етса,  
Ки бу жонимни ман анга яна курбон килай дерман.

Тамоми шаъну шавкат, тахту бахтимни бериб бархам,,  
Барохи хак бериб, аммо ўзим урён бўлай дерман.

Садоийи бу тирикликдин фано кечгони хуш эрди,  
Ўзимни ўлдириб олдида, катли жон килай дерман.

\* \* \*



Аё, эй дилбари жоним, келиб холимни сўрмассан,  
Шитоби беадад айлаб кошимда лахза турмассан.

Килиб жаҳду жадал доим сани кўнглинг олай дерман,  
Нечук зехнинг парешондур табассум бирла кулмассан?

Сани бирла мани, жоно, бор эрди аҳду паймоним,  
Гараз бир неча одамдек на деб аҳдингда турмассан?

Агар махшар куни бўлса санга ваҳми киёмат йўк,  
Ажаб умринг узун эрмиш, билурман, харгиз ўлмассан.

Тушуб ишким санга ногаҳ, тириклик лаззати кетти,  
Гувохим зағфарондур, рўйи бу зардимни кўрмассан.

Манинг бир максудим шулдур, аёгинг остида ўлсам,  
Нихоятсиз улугдурсан, нетойин, кўзга илмассан.

Куюб хажринг била эмди Садоийи кул бўлуб кетса,  
Нечук сан айрилурсан, деб киё кўзингни солмассан.

\* \* \*

Неча кундур ул санам ошиқлигим билганмукин,  
Бул сабабдин ё магарким кўргани келганмукин?

Ёр бу ошиқларини холини сўргон била,  
Поралар бўлгон юракда ёралар битганмукин?

Гарчи ул Фарҳоду Ширпн зор йиглаб ўттилар,  
Жондин кечган манингдек одаме бўлганмукин?

Бир кўрай деб орзу айлаб санам дийдорини,  
Остонинг туфрогина ёстониб ётганмукин?

Шарх килди гарчи хар ким хасбу холим номасин,  
Дафтари иншони мандек муншилар битганмукин?

Эй халойиқлар, сўзингиз колмасун болоу паст,  
Мандин ўзга бу жудолик шарбатин тотганмукин?

Халки оламини бари айлар саропо орзу,  
Жону дил бирла манингдек ҳеч кпм кўрганмукин?

Май ичиб гаҳ маст ўлуб шамшириднн килмас хазар  
Бу Садоийини казоси ё якин етганмукин?

\* \* \*

Бир манингдек ёр деб девона бўлган бормукин?  
Шамъ янглиг хуснига парвона бўлган бормукин?

Ох уруб хардам фигон айлаб жунун сахросида,  
Молу мулкидин кечиб девона бўлган бормукин?

Тўтийи гўё бўлуб, ё бог аро булбулларин  
Чугз янглиг манзили вайрона бўлган бормукин?

Ман юруб ёлгуз биёбонларда саргардон бўлуб,  
Ёр бирла хамдаму хамхона бўлган бормукин?

Куфр элини хуш кўруб, зунор боглаб доимо,  
Эмди мандек сокии майхона бўлган бормукин?

Эй Садоий, аввалу охир замона хак учун,  
Бир санингдек дунёда афсона бўлган бормукин?

\* \* \*

Ох, найлай, куйди жоним ёрни парвосидин,  
Колган умрум кетса охир термулуб аркосидин,

Гизлотур ул мохпайкар кипригини ман сари,  
Дийдам узра сончилур хар лахза коши ёсидин.

Минг жарохат бирла борсам ман ани даргохига,  
Улмагай эрдим магар май берса дасти тосидин.

Хар нафасда дилбарим юз минг ўлукни тиргузур  
Дардима топсам даво дерман Масих анфосидин.

Эй Садоий, сан бу ёрингни мажозидек кўруб,  
Айланиб токай турорсан уйини тегросидин.

\* \* \*

Ёр ишкидин, дўстларим, гумон килманг, ўларман,  
Тегди мундог гам манга, эмди қачон куларман? "

Тошлаб кетти нигорим, ул ёри меҳрибоним,  
Келиб холимни сўрмас, нечук илож киларман?

Олиб кўлга назирим даргохига ул эрни,

Шояд назар килгай деб хар кун бориб келарман.

Элдин хазар этмаса, манга назар килмаса,  
Югуруб-елиб йўлида оёгимдин коларман.

Олам бари билибдур, ўтдек ёниб турубдур,  
Борсам куяр оёгим, йирок ердин карарман.

Бўлсун саломат ёрим, ул ёри меҳрибоним,  
Ошикликни даврини эмди яхши сурарман.

Хижрон чўлида ташна беобу нон, гушна,  
Минг йилгача ахдимни эмди бузмай турарман.

Эй ёрижони махваш, чандон хароси дилкаш,  
Бўлгил мани гувохим, ёлгуз сани суярман.

Келди Садоий буткул айлаб санга таваккул,  
Иброҳими Адхамдек ўзим ўтка урарман.

\* \* \*

Шамъ янглиг ёрга парвонау ахгардиман,  
Оташи ишки муҳаббатни горак табгардиман.

Билмайин суду зиён овораи хар ён бўлуб,  
Бул гариб жонимга доим дарди саргардондиман

Кўп умед айлаб хамеша илтифоти ёрдин,  
Эшигида термулуб, хар лахза рўйи зардиман.

Ёр деб хар субху шом ўлмакга айлаб изтироб,  
Демагил номард харгиз, мардларни мардиман.

Сан киму, эй зоҳидо, манга насихат айдамак?!  
Ишк устодини тайлим айлаган шогирдиман.

Кам баҳо килма Садоийни харидорим манинг,  
Дурри дарёйи жавохирларни резахўрдим.ан.

\* \* \*

Хар дам йигласам санга, ёр, вафо килурмусан?  
Лутфу карамки сандадур, ҳеч бир ато килурмусан?

Хожату мақсадим тилаб, мисли гариби бенаво,

Тилга олиб отинг десам, ҳеч бир садо килурмусан?

Мустахикинг агар бўсам, борсам даргохингга ман,  
Хакни йўлида биргина, харидори килурмусан?

Эмдики манга мунча кўп касд араз килиб мудом,  
Жоним олурга, эй пари, мунча жафо килурмусан?

Яхши бир учрадинг манга, эмдики айлайн савол,  
Сайкали гам била магар дилни сафо килурмусан?

Салтанати хаво била, хай-хай улуглигинг сани,  
Гарчи санга ярошадур, мунча хаво кулурмусан?

Гох кўнгул килиб кашол, сан сарига бокиб мудом^  
Дабдабаи араз ила доим низо килурмусан?

Бахру бару баланду паст, барча вужух шохидинг,  
Бўлса ёмон-яхшини мунча бажо килурмусан?

Хайф сани бу ишларинг, мандин ўзингни беркитиб,  
Хаста Садоийи бандага, боз жафо килурмусан?

\* \* \*

Ул ёри азизим деб, ман эмди самандарман,  
Куйди бу дилу жоним, монандаи ахгарман.

Бу дашту биёбонда, монанди бўлуб Мажнун,  
Бир ерда карорим йўк, юрганки каландарман.

Ёшим етиб элликка, саколим окарганда,  
Хизматга буюргай деб, ёр олдида навкарман.

Давоту калам бирла, илгимга олиб когаз,  
Кўргин яна номамни, хам сохиби дафтарман.

Харчанд ракиб айтур, бу талх ёмон аччиг,  
Билгил, ки эй азизим, ман шахд ила шаккарман.

Ер ила бўлуб хамдам хизматни бажо килса,  
Айб этма Садоийни хар маънида чокарман.

\* \* \*

Тун окшом келди кулбамга мани ул дилрабо ёлгуз.

Кируб охиста-охиста, анингдек пур сафо ёлгуз.

Туруб бехост ўрнумдин кўлумни лом алиф айлаб,  
Ман айдим, сан нечук келдинг бу ерра, мархабо, ёлгуз.

Магар келдингму,»эй дилбар, дедим жонимни олгони,  
Солиб зулфи паришонинг кийиб гулгун хабо ёлгуз.

Хавас бирла санидек ёр манга орзу эрди,  
Килай деб хоки пойингни кўзумга тўтиё ёлгуз.

Топилмас икки оламда санидек нозанин дилбар,  
Ки тушган банди фирокинга мандек мубтало ёлгуз.

Билурман олами кавнайнда сандек подшоҳ йўқдур,  
Бошинга соя килган гайбдин боли хумо ёлгуз.

Садойи айтадур эмди кечиб бу молу мулкидин,  
Санга ҳеч бормукин мандек ки бўлгон мосиво ёлгуз.

\* \* \*

Нигорим ишкидин куйдим, давосн бормукин харгиз,  
Тушуб зулмат аро колдим, зиёси бормукин харгиз?

Келиб кетти мани ёрим, нечук билмай колибдурман,  
Яна минг йил караб ётсам, казоси"бормукин харгиз?

Килич кошин хавола айлар ул жаллодлар янглиг,  
Магар жоним олурга ё ризоси бормукин харгиз?

Саропо халки оламдин бари сандин умед айлаб,  
Манидек икки оламда гадоси бормукин харгиз?

Садойи айтодур йиглаб, сўранг зинхор ёримдин,  
Манга ул килмагон боз ҳам жафоси бормукин харгиз?

\* \* \*

Хайр килмок хотирингга келса, эй марди куёш,  
Хар кишига бермагил албатта чарлаб нону ош.

Демагил, бу яхшилик килсам килур деб яхшилик,  
Бўлмагай осон тутуб хар вахшини килмок ювош.

Эй буродар, бўлса аклинг яхшилар даргохига —

Молингу жонингни бер, остонасидин олма бош.

То тириксан килмагил хар ким била жангу жадал,  
Кўп савоб эрмиш уруш оркасидин килмок ярош.

Кимни кўнглунг суйса хидмат айла жону дил била,  
То юракдин окса кону кўзларингдин окса ёш.

Эй Садоий, бу ганиматни дилу жонингда кўр,  
Неча тиклаб бокса ёрингга качон ўхшор куёш.

\* \* \*

Вужудум мулкига, жоно, ки ул мохи жахон эрмиш,  
Баробар даргохингда бўлса хох яхши, ёмон эрмиш.

Юборсанг хар кишини бир тараф хидмат учун ногач,  
Олиб келган хамону олдуруб келган хамон эрмиш.

Кўлумга пой олуб, кўксум нишон этмак махал бўлса,  
Нишон ургон хамон, ёйини синдургон хамон эрмиш.

Келиб бу аввалу охир кўлини лом алиф айлаб,  
Ки тик турган- хамону хохи ўлтургон хамон эрмиш.

Колур кўргач киши хайрон, дегай бу ишларинг тахсин,  
Ки йиглатган хамону хохи кулдурган хамон эрмиш.

Хамиша терм.улуб ётиб сани йўлингда, эй жоно,  
Кизил, оку, карою хохи бўлса заъфарон эрмиш.

Елиб-югриб эшигингда сани деб баъзи одамлар,  
Килурлар нафъ деб хар иш вале сандин ризо эрмиш.

Санга хидмат учун доим бериб жон накдини хар кун,  
Ўтун олгон хамону ўтга куйдургон хамон эрмиш.

Ўзингни тут, дема харгиз фалон ибни фалонман деб,  
Ўзини махтаган одам ёмонлардин ёмон эрмиш.

Билурмусан, Садоий, бу Навоийдин масал колган,  
Сув кетургон хамону кўза синдургон хамон эрмиш,

\* \* \*

Келмади бир кун сўраб ул ёри жононим гараз,

Хар нафасда килгучи дардимга дармоним гараз.

Ёр бизлардин йирок, ман бўлуб ёрдин йирок,  
Кошки бориб кўрорга етса дармоним гараз.

Кўймагай эрди мани мундог паришонхол ила,  
Бир такаллум айлаб ул юз марта хандоним гараз.

Хасратида орзу айлаб анга бўлдум адо,  
Тушмади харгиз кўлумга дурри галтоним гараз.

Максадим, улдур мани, кўшса шаходат ахлига,  
Доманига тегмасун дерман, кизил коним гараз.

Ман кечибман кўз тутуб кўрмай тириклик лаззатин,  
Келсину олсун мани бўлса керак жоним гараз.

Кечалар бўлса чикар доим Садойидин садо,  
Ой юзингни кўрмасам ман кўпдур армоним гараз.

\* \* \*

На деб, эй дилбари жонон, сиримни элга фош этдинг,  
Юракни куйдуруб, жонимни ўртаб, кўзни ёш этдинг.

Килиб сабру тахаммул хам каноат айлагай эрдинг,  
Юзингни зебу зийнатлар бериб мисли куёш этдинг.

Ажаб сандин бузуб андозаи бу ошноликни,  
Ки Азроил била хамдам бўлуб жоним талош эттинг.

Дилим бормас, десам мўъмин, десам бу ишларинг тахсин,  
Бу аждодинг ила эмди мани тахсинпош этдинг.

Сони ишкинг била доим кезарман дашту сахролар,  
На ёздим ман, эгилдим ман, мани туъмамни тош эттинг.

Ки мандин беадаблик ўтти, арога низоъ тушти,  
Улуглик айладинг, охир келиб яхши ярош эттинг.

Садойидек такаббур тўдаи ужбу риё кулни,  
Илохи раҳм кил холимга ким лутфунгни фош эттинг.

\* \* \*

Алифдек коматимни, эй пари, монанди нун килдинг,

Эсиз гўё забоним сўзлашур вақтида гунг килдинг...

Ки сандин ўзгага бориб, ки ман дод айласам бир-бир,  
Килич кошинг била олам барини катли хун килдинг.

Мани бошимга сан солдинг хазорон шўришу гавго,  
Жахонда кўзларимга рўзи равшанларни тун килдинг.

Умид айлаб, аё дилбар, сани кошингга келгоним,  
Муҳиблик кишидек кўл кўторуб ончи кин килдинг.

Сани килмишларинг кўп деб, гунохим айламай изхор,  
Садойи, хастадил бечорани доим забун килдинг.

\* \* \*

Айюхалахбоб, айлай эмди ман девоналик,  
Ошно тутганларимиз килдилар бегоналик.

Ох, кетти бизни тошлаб, вой, ул султони хусн,  
Бул бузук кўнглумга солди фитнадин вайроналик.

Неча кунлар билмадук ул ёри жони кадрини,  
Касбу корим эмди бўлди ўлгуча гирёналик.

Кон ютуб ман лола янглиг, доги танхолик била,  
Ўтти умрум, ёр бирла килмадим хамхоналик.

Орзу айлаб кўрой деб доимо ул ёрдин,  
Шамъ янглиг хуснигаким бўлди иш парвоналик.

Эй Садойи, бошладинг кайдин туганмас дoston,  
Элга килгон хасби холингдин букун афсоналик.

\* \* \*

Эй табиби хар касал, дардимга дармон килмадинг,  
Йиглатиб доим мани бир лахза хандон килмадинг.

Ман кетарман зор йиглаб хасрату армон била,  
Манзилингга, эй пари, бир лахза мехмон килмадинг.

Эй нигоро, ман на ёздиму на килдим санга,  
Интиколи вақт бўлди, таскини жон килмадинг.

Бир келиб, эй шахсуворо, давлати олинг била



Гамларимни манзилин торожу толон килмадинг.

Доимо айлаб мани табъи дилимни бедимог,  
Душманингни кўнглини бир лахза хуфтон килмадинг.

Ман билурман, сан эурсан асл сохиб ихтиёр,  
Кайси бир мушкилларимни хайф осон килмадинг.

Айтадур йиглаб Садоийи мисли булбул зор-зор,  
Кўрсотиб гулдек юзинг, аклини хайрон килмадинг.

\* \* \*

Ёр пинхон кўзларимдин, шарху имлосин кўрунг,  
Ман сарига тортулуб бу кошу хам ёсин кўрунг.

Куйдуруб олам барини согари мажлис тузоб,  
Сунмагон бизларга харгиз май била тосин кўрунг.

Айламас манзур харгиз ул Сулаймон тахтини,  
Мисли Исо маскану жойи Масихосин кўрунг.

Нрни топмок учун ман айладим азми сафар,  
Бизни гаркоб этгали гам бирла дарёсин кўрунг.

Хар кишига етгусидур кечалар шамъи сафо,  
Офтоби ваззуходин хусн захросин кўринг.

Бир анингдек нозанинга олами офок хама,  
Жон берурлар гоибона халк ихлосин кўринг.

Орзу айлаб Садоийи кўрса ногах ёрни,  
Кўлга тушган бандидек эмди таваллосин кўринг.

\* \* \*

Кўрмайин кетсам юзингни, эй нигорим, яхши кол,  
Сарв кад, симин бадан, эй гулузорим, яхши кол.

Ошно тутдим сани нахну касамнодин бери,  
Кўз очиб бир кўрмадинг, кўзи хуморим, яхши кол.

Бог ичида бу димогимни муаттар айладинг,  
Бехтарини уду анбар, мушкборим, яхши кол.

Эшигингда бул мани оворау сарсон килиб,

Салтанат тахтида доим тождорим, яхши кол!

Рахм килмай хар замон айлаб юракни поралар,  
Килгучи жон катлини, эй зулфикорим, яхши кол!

Бир азиз бошимни хар кун зери по айлаб мани,  
Уйнотиб отингни хар кун, шахсуворим, яхши кол...

Рахми келса гохлар айлар кишига илтифот,  
Эл аро машхур сохиб ихтиёрим, яхши кол.

Айтодур доим Садоийи хар замон айлаб умид,  
Ою кунни кўрмаган кўзи хуморим, яхши кол.

\* \* \*

Ажаб фосид хаёл эрди, парига ошно бўлдум,  
Нечук каттиг кун эрди, эй пари, сандин жудо бўлдум.

Улар холатга еттим, бир келиб холимни сўрмайдур,  
На армондур, на хасратдур, гами бирла адо бўлдум.

Сани бу оташи хажринг вужудим айлади ахгар,  
Жудолукда куюб бир ўчгон ўтдек беэиё бўлдум.

Мани сохиб сухан килди сани бу боиси назминг,  
Бихамдилло дейин бу ваъдасида бериё бўлдум.

Тегиб ишки, жунун элдин кетибдур кисматин кадрим,  
Аёг остида колгон бир ёмон хоки сиёх бўлдум.

Тилимга харна келса айтулур бу телбалар янглиг,  
Насихат олмагон оламда бешарму хаё бўлдум.

Ушотти зарби ишкинг бу камишдек жисму жонимни,  
Аёг остида янчилгон бамисли бўрё бўлдум.

Сани деб айлади бархам Садоийи шаъну шавкатни,  
Кечибу бу тахту бахтимдин эшикларда гадо бўлдум.

\* \* \*

Буродарлар, адо бўлмас агар айтсам мани дардим,  
Окарди сочу саколим, кани ёр\_олдида кадрим?

Мани дардимни билмас ёру дўстум, ахлу фарзандим,

Бошим олиб кетойин, тобмасунлар пои бу гардим.

Дилай десам юруб сайру тамошо олами офок,  
Жахонда хар куни ашкол тамомиси мани пандим.

Сўрогингни килиб истаб, аё эй нозанин дилбар,  
Бўлуб масту жунун хар масжиду майхонага кирдим.

Тегиб бу тиги хижронинг дилу жонимни ўткорди,  
Чидаёлмай бу дардимга ўзим туфрок ўла колдим.

Садойи айтодур эмди бошим элига етганда,  
Сани излаб тополмай, хар жафоу жаврлар кўрдим.

\* \* \*

Нигоро, санга жон берсам, бўлурму манга жон пайдо,  
Магар бўлгаймукин шоядки умри жовидон пайдо?

Агарчандики олам ичра неъматлар фаровондур,  
Хунар касб этмагунча бўлмагай бир фарча нон пайдо.

Тиконсиз гул қачон бўлгай, машаккатсиз иш оламда?  
Бўлур хар ганжида албат аждахоу йилон пайдо.

Ададдин ошти жабри ёрни, айтсам адо бўлмас,  
Гувохим чехраи зардимда бўлди зағфарон пайдо.

Йигиб оламини бошимга букун гавгойи ом айлаб,  
Тўкуб конимни дерман, ман ки килсам ончи кон пайда.

Садойи, йигламоклик ёрни олдида айб эрмас,  
Кизил гулга бўлубдур булбули бехонумон пайдо.